



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 26-noyabr, payshanba, 47 (627)-son

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

Сайлов тизими:

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Тошкентда «Сайлов тизими ва қонунчилигини янада демократлаштириш: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минақаларро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг сайлов қонунчилиги ривожини масалаларини муҳокама қилиш, Ўзбекистон сайлов тизимини халқаро стандартларга мувофиқ ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар билан халқаро ҳамжамиятни таништиришга бағишланди.

Унда Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Франция, Германия, Жанубий Корея, Латвиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, вазирилик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси олимлари ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир очилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим босқичма-босқич модернизация қилиниши самарасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилганини таъкидлади. Фуқароларнинг шу аснода давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмоқда. Бунда Конституциянинг ва қонунларда умумэтно-роф этилган норма ва принциплар асосида шакллантирилган сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари мустақамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Давра суҳбатидида сайлов эркинлиги ва хоҳиш-иродани эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакили органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши таъкидланди. Сайлов тизимида изчил ва ўзаро уйғун ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа давлат ҳокимияти органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилгани ҳам сайловларнинг демократиклиги, очик ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири бўлди. Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолияти асосий принциплари конституциявий норма сифатида белгиланди, шунингдек, Бюджет кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, унинг молиявий мустақиллиги таъминланди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар, шунингдек, 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов демократик сайлов тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Мазкур сайловлар натижалари давлат ҳокимияти органларини тақомиллаштириш, халқ ҳокимиятининг демократик асосларини мустақамлаш, мамлакатимизни ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида янада ривожлантиришнинг муҳим босқичига айланди.

Давра суҳбатидида Европада хавфсизлик ва

ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори Д.Сабо сайловлар ҳар бир мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён эканини қайд этди. Ўзбекистон сайловлар ўтказишдек кенг қўламли сиёсий тadbирларни юксак савияда ташкил этиш бўйича ўзига хос улкан тажрибага эга. Бунда сайлов тизимини тақомиллаштиришга қаратилган мустақам ҳуқуқий асослар яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир давомида сайлов тизими ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг турли жиҳатлари, жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайлов жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги, партияларро рақобат, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокни кенгайтиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу муносабат билан сайловчиларнинг ягона электрон реестри фаолияти бўйича чет давлатларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мамлакатимизда ҳам бундай реестрнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва ундан фойдаланиш имконияти муҳокама этилди.

Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси А.Цимдарсинг таъкидлашча, Латвия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, сайловчиларнинг ягона электрон реестрдан фойдаланиш фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиради, сайлов жараёнининг очик ва ошкоралигини таъминлайди. Сайлов комиссиялари ва маҳаллий органлар ишини энгиллаштириш, сайловчилар масъулиятини ошириш, шикоятлар тузиш имконини беради ва «бир сайловчи – бир овоз» принципини таъминлайди. Энг муҳими, сайловчилар масъулиятини ошириш, шикоятлар тузиш имконини беради ва «бир сайловчи – бир овоз» принципини таъминлайди. Энг муҳими, сайловчилар масъулиятини ошириш, шикоятлар тузиш имконини беради ва «бир сайловчи – бир овоз» принципини таъминлайди.

Тадбирда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, сайлов жараёни барча иштирокчиларининг сайлов тўғрисидаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этиши, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Франциянинг Тулуза шаҳар молиявий суди фахрий вице-президенти Ж.Ракен Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишиб, унинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Унинг фикрича, мазкур қонунчиликда фуқаролар ҳуқуқлари билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олингани Ўзбекистонда жамият юксак даражада демократлаштирилганидан далолат беради. Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ягона Сайлов кодекси шаклида кодификация қилиниши барча даражадаги сайловларни ўтказишнинг асосий тамойил ва умумий қондаларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Экспертларнинг фикрича, сайлов жараёнининг очик ва ошкоралигини таъминлаш фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатидир. Сайлов кампанияси давомида оммавий ахборот воситалари нафақат сайловчиларни хабардор қилишнинг асосий манбаи, балки муҳим жамоатчилик назорати воситаси ҳамдир. Парламент ва Президент сайловлари жараёнида Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги янада мустақамлашиб бораётганини яқин намоён бўлди.

Давра суҳбати очик ва амалий мулоқот руҳида ўтди. Тадбир иштирокчилари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган, жумладан, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакили органларига сайлаш ва сайланиш бўйича Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларини мустақамлашга қаратилган ҳақида яқдил фикр билдирди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
УЗА муҳбири.



«КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМ»

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ушбу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

Маҳаллий кенгашлардаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия электорати, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқшунослар, олий ўқув юртлири талабалари иштирок этган мулоқотда миллий парламентаризмни ривожлантириш бўйича тўпланган тажриба, қонунчи-

лик амалиёти ва эришилган ютуқлар хусусида атрофлича сўз юритилди. — Мамлакатимизда миллий парламентаризмни шакллантириш давлат мустақиллиги билан, қоплаверса, тараққиёт йўлимизни белгилаб берган Конституция қабул қилиниши билан узвий боғлиқ, — деди

ПАРЛАМЕНТДА ҚОНУНЛАР ИСЛОХОТЛАР ТАЛАБИГА МОСЛАШТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP ва «Миллий тикланиш» ДП фракцияларидан иборат «Демократик кучлар блоки»нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент қўйи палатасининг 2015 ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тadbирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастури доирасида амалга оширилаётган қонунчилик ҳужжатларининг хатлови ва таҳлили масалалари кўриб чиқилди.

ЭЛЕКТОРАТ РЮТҚЛАРИ «ШОВОТ БЎЁНИ»ГА ЯПОНЛАР ҲАМ ХАРИДОР

ёҳуд О'zLiDeP хайрихоҳи бўлган тadbirkорнинг ўзига хос бизнеси хусусида

Бўён, яъни шириния — дуканчилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, дарё ёқалари, ариқ ва зовур бўйлари, қумлоқ ва ўрта шурланган майдонларда ҳам ўсаверади. Унинг дориворлиги Шарқ таъбиотида қадимдан маълум. Тиббиётда унинг илдиздан тайёрланган дорилар яллиғлини, аллергия, захарланиш, бод, беланги, бўғма, сил, чипқон, экзема ва бошқа касалликларга даво сифатида ишлатилади. Шунингдек, бўён томирлардан озик-овқат, киме ва тоғ металлургияси саноатида ҳам фойдаланилади. Унинг пояси таркибида кўп миқдорда оксил, ёғ, қанд, каротин, С витаминлари борлиги аниқланган.

Илгари ана шундай қимматбаҳо хомашё фақат ем-ҳашак, айрим ҳолларда ёқилғи ўрнида ишлатилган. Аммо бундан беш йил олдин «Шовот бўёни» агрофирмасини ташкил этган тadbirkор Шухрат Ҳожимуродов бўён етиштириш борасида тиббиёт мутахассислари билан маслаҳатлашиб, уни ма-

даний экан сифатида кўпайтириш, томирини қайта ишлашни режалаштирди. Буни қарангки, ишбилармонга тез орада ҳамкор ҳам топилди. Жанубий кореялик Чо Чоаки тайёрланган маҳсулотни сотиб олишини билдирди. Дастлаб Жанубий Корея, кейинчалик Хитой, Ҳиндистон сингари тиббиётни ривожланган мамлакатлар «Шовот бўёни» агрофирмаси билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоладилар. Шу йилдан бошлаб Буюк Британия ҳамда Япониядаги дорин-дармон ишлаб чиқарадиган йиринк компаниялар ҳам воҳода ўсувчи бўён томирларининг харидорига айланди.

Осиё ҳамда Европа мамлакатларининг айнан Хоразм ва Қорақалпоғистонда ўсадиган ёввойи ўсимлик томирига қизиқинининг сабаби нима, деган саволимизга Шухрат Ҳожимуродов шундай жавоб берди: — Ҳар қандай мева, полиз маҳсулотлари-ю сабзавотнинг таъми биринчи галда тупроқ ва табиий иқлим шароитига боғлиқ. Худудимизда ўсадиган бўён то-

мирлари таркибида гармонал фаолинка эга глицирризин миқдори бошқа жойлардаги шириния илдизларига қараганда кўп ва сифатлидир. Шунинг учун ҳам мазкур худудларда ўсадиган бўёнга талаб натта. Унинг таркибида инсон организмни учун фойдали бўлган барча микроэлементлар мавжуд. Шунинг учун маҳсулотларимизга йил сайин талаб ошиб бормоқда. Жорий йилда ҳам режада белгиланган миқдорда экспорт қилишга эришдик. Булардан ташқари, «Ўзфармасаноат» концерни билан ҳамкорликда қадоланган чой тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб беришни йўлга қўйганмиз.

Партиямиз хайрихоҳининг фикрларини тинглаб эганимиз, унинг О'zLiDeP Сайловдаги платформасида баён этилган устувор йўналишлар, хусусан, экин майдонлари таркибининг юқори даражада келтириладиган турлар ҳисобидан кенгайтириш масаласига нақадар мис қилиниши ҳис қилдик.



ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишмоқда.

Бу жараён мамлакатимизнинг шимолий ҳудуди — Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қизгин кечмоқда. Хусусан, 7-Орол сайлов округидан сайланган депутат, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Зафар Ханязов ҳам Қонлиқул туманидаги ўз хайрихоҳлари билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

Мутасадди ташкилотлар вакиллари, халқ депутатлари Қонлиқул туман кенгаши депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеалар юзасидан сайловчилар билан фикр алмашилди. Бандликни таъминлаш ҳамда аҳолини ўйлантираётган бошқа масалаларга эътибор қаратилди.

Сайловчилар билан учрашганда Президентимизнинг «Депутат томошабин эмас, кузатувчи эмас, депутат бу — халқдан чиққан, халқнинг дарди билан яшайдиган инсон. Агар у эл-юрти деб ташвиш чекадиган бўлса, шу мақсадда фидойилик кўрсатадиган бўлса, мана шундай одамларни мен депутат дейман», деган ҳикматли сўзлари едимга тушади, — дейди З.Ханязов. — Бу эса ўз бурчимни сидқидилдан адо этишга ундаши баробарида куч-қувват бағишлайди.

Тумандаги турли муассасаларда бўлиб ўтган мазкур учрашувлар давомида кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектларининг иқтисодий ҳаётидаги ўрнини янада мустақамлашга қаратилган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти хусусида мулоқазалар билдирилди.

(Парламент қўйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг жойлардаги юзма-юз мулоқотлари тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сониди танишишнииз мумкин.)

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ
«КЕКСАЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС КЎРКИ БОР, БУ КЎРҚАН ЖЎШҚИЛИК ВА ЭҲТИРОС ЭМАС, БАЛКИ СОКИНЛИК ВА ТАСКИН УФУРИБ ТУРАДИ».

А.ГЕРЦЕН.

БУГУНГИ СОНДА

ФАОЛИЯТИМИЗ ДАСТУРИЛАМАЛИ

— Ҳар биримизни бунёдкорлик гоилари сарни стақловини ушбу асар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта кўзгикши билан ўрганишмоқда. — дейди О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси, партиянинг Жўқорги Кенгашидаги фракцияси раҳбари Сағитидин Турманов. — Айтиш жоғизки, Президентимизнинг мазкур асарига дунёда юз бераётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати масалалари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган.

1 Австралия доллари	1963,44	1 АҚШ доллари	2735,74	1 Хитой юани	428,24	1 Польша злотийси	685,24	1 ЕВРО	2931,67
1 Англия фунт стерлинги	4150,12	1 Миср фунти	349,39	1 Россия рубли	42,17	1 СДР	3774,86	10 Жанубий Корея вон	23,62
1 Дания кронаси	389,25	1 Исландия кронаси	20,65	1 Украина гривенаси	114,06	1 Туркия лираси	965,02	10 Япония иенаси	222,04
1 БАА дирҳами	744,82	1 Канада доллари	2043,43	1 Малайзия ринггити	637,70	1 Швейцария франки	2680,78		

МУНОСАБАТ

«КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМ»

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада ▼

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

Мазкур тизимда парламентнинг вазифаси қонунлар қабул қилиш, сайловчилар манфаатларини ифодалаш ва уйғунлаштириш, ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари фаолиятини назорат қилишдан иборат экани ҳам айнан конституциявий тамойилларга биноан белгиланган. Эътиборлиси, депутатларнинг фракциялар ва блокларга бирлашиши сиёсий партияларга парламент имкониятлари орқали ўз манфаатларини ифодалашга кенг йўл очаяпти. Хусусан, бугун куйи палатада 52 кишидан иборат энг катта фракцияга эга O'zLiDeP ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиши, Сайловолди дастурида илгари сурилган вазифаларни бекуму кўст бажаришга интилоқда. Утган даврда фракциямиз аъзолари ташаббуси билан қатор йўналишларда қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларнинг аксарияти қабул қилинди. Вакилларимиз қонунларнинг

ижросини таъминлаш устидан парламент назоратини амалга ошириш масаласига ҳам жиддий ёндашаётганлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Абдуқодиров юртимизнинг инсон манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб билувчи демократик, суверен давлатга айланишини таъминлаган ҳал қилувчи омиллардан бири — Ўзбекистон Конституцияси эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у республикамизда икки палатали парламент тизимига тўхталиб, янги моделнинг жорий қилиниши тўғрисида депутатлик корпуслари билан яқиндан ҳамкорлик қилувчи орган вужудга келгани, қонун ижодкорлиги жараёни мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинаётган қонунлар сифати тубдан яхшиланишини қайд этди.

Парламент куйи палатасидаги депутатларимиздан Гулшана Худоярова, Муҳаббат Тохтаева, Соҳибжон Исмоилов, Тошкент давлат юридик

университети доценти Шерзод Зулфиқоровнинг маърузалари ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбати қатнашчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур демократик ислохотлар шароитида парламентаризмни янада ривожлантириш ҳамда партиямиз депутатлик корпуси фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама этдилар. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, партия олдидаги янги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда сиёсий фаолиятни такомиллаштириш, қабул қилинаётган барча қарорларга нисбатан электронтнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш зарурлиги тўғрисида фикр алмашдилар.

Тадбир низоҳида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари билан ёшлар, тадбиркорлар ўртасида савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг O'zLiDeP фракцияси маъзуллигидаги Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси «Ўзбекистонда саноатни диверсификациялаш ва модернизациялашнинг долзарб масалалари» мавзюда илмий-амалий семинар ўтказди.

Очилини айтганда, мазкур тадбир бошқа қатнашчилар қатори журналистларда ҳам илқ таассурот қолдирди. Негаки, у ўз номига мос ҳолда ҳам илмий, ҳам амалий мулоқотларга бой бўлди. Олий ўқув юртлари

стиция етишмаслиги мумкин. Бу масалани ижобий ҳал этишнинг самарали йўлидан бири эса айнан ишлаб турган асбоб-ускуналарни модернизация қилишдир. Диверсификация эса мам-



Ҳам илмий, ҳам амалий ёндашув

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

олимлари ва соҳа мутахассисларининг илмий асосланган маърузалари кун тартибидagi масаланинг нақадар долзарблигини очиб беришда муҳим аҳамият касб этди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири Рашид Ҳакимов модернизация ва диверсификациянинг моҳиятини ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берди. Маърузачининг таъкидлашича, ҳар доим ҳам янги, замонавий техника ва технология олиш учун инве-

лакатда ишлаб чиқариш хилма-хиллигини таъминлайди. Аниқроқ айтганда бўлсак, маркетингнинг олтин қоидаси бўлмиш иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган сармоляр бир турдаги маҳсулот чиқариш ёки хизмат кўрсатишга эмас, балки турфа тармоқларга йўналтирилади ва янги бозорлар изланади. Мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида ана шу ҳаётий тамойилларга амал қилинди. Натижанда автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, электротехника, нефть-газ машинасозлиги, темир йўл машинасозлиги, замонавий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқи-

мачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика ва саноатнинг бошқа тармоқлари тибора тараққий этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илмий-амалий семинарда Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодиёт алоқалар, инвестиция ва савдо вазирликлари, «Ўзавтосаноат», «Ўзенгилсаноат» компаниялари ва бошқа ташкилотлар вакиллари томонидан саноатни диверсификациялаш ва модернизациялашнинг афзалликлари аниқ мисоллар орқали йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Хусусан, Иқтисодиёт вазирлиги бошқарма бошлиғи Отабек Шариповнинг таъкидлашича, 1990-2014 йиллар мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4 баробарга ошган, 2000-2014 йиллар давомида иқтисодиётни тарқибий ўзгартириш ҳисобига саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 14,2 дан 24,1 фоизгача ўсди. Энг асосийси, мамлакатимизнинг ташқи савдо географияси кенгайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 160 давлатга экспорт қилинаётгани фикримиз тасдиғидир.

— Кун тартибидagi масаланинг O'zLiDeP учун аҳамияти жуда катта, — дейди Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Соҳибжон Исмоилов. — Зотан, бу масала партиянинг иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш соҳасидаги вазифаларига ҳамохандир. Яъни, биз мамлакат иқтисодиётини диверсификация ва модернизациялаш, сифат жиҳатдан янгилаш учун хоржий инвестиция ва илғор технологиялар жалб қилиниши ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Қолаверса, саноатни барқарор ривожлантириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга боғлиқ эканлигини инobatта олсак, бу каби илмий-амалий семинарларни ишбилармонлар иштирокида ўтказиш яхши самара бериши ўз-ўзидан ойдинлашади. Зеро, тадбиркор бу борада қанча кўп билим ва кўникмага эга бўлса, унинг фаолияти янада кенгайиши бугунги илмий-амалий семинар жараёнида аққол намоён бўлди.

Чиндан-да ҳам илмий, ҳам амалий ёндашув руҳида ўтган тадбир якунида соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Демократик тараққийёт кафолати

Асосий қонун, дея таърифланадиган Конституциямизда давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципини, барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, сайлов ҳуқуқи каби устувор қоидалар мустаҳкамланган. Ўз навбатида, ушбу қоидалар мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Бош қомусимизнинг яна бир хусусияти шундаки, унда мустақил давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари аниқ ифодаланган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқий субъекти бўлиб, мамлакатимиз ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланади.

Энг муҳими, Конституциямизда жамият ва шахс муносабатлари аниқ ҳуқуқий шаклларда ифодаланган ва шу орқали иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши, хусусий мулк ҳуқуқи, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги кафолатланган. Фуқароларга турли хилдаги жамоат бирлашмаларини тўзиш ва улар фаолиятида эркин иштирок этиш имкониятлари яратиб берилган.

Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон иқтисодиёти истиклол йилларида 5,5 баробардан зиёд ўсди. Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий инқирознинг жиддий таъсирига қарамастан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўси-

стратегик асосланган даражага қадар қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланганининг самарасидир.

Зеро, Юртбошимиз ибораси билан айтганда, бизнинг тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак об-

БУ ЭСА ЮҚОРИДА ТАЪКИДЛАНГАНДЕК, КОНСТИТУЦИЯМИЗДА МУҲРАБ КЎЙИЛГАН ХУСУСИЙ МУЛК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҲАГА ТЎЛИҚ ЭРКИНЛИК БЕРИШ, УНИНГ ЙЎЛИДА ҲОВ БЎЛИБ ТУРГАН БАРЧА ТЎСИҚ ВА ЧЕКЛОВЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ҲИССАСИНИ СТРАТЕГИК АСОСЛАНГАН ДАРАЖАГА ҚАДАР ҚИСҚАРТИРИШ УСТУВОР ВАЗИФА СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАННИНГ САМАРАСИДИР.

ши сўнги ўн бир йил давомида 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани барчанинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотмоқда. Қолаверса, макро-иқтисодий кўрсаткичларнинг муносиблиги, давлат бюджетининг профицит билан бажарилаётгани ҳам муваффақиятлар қўламини кенгайтирмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда аҳолининг реал даромадлари жон бошига 9 баробар ошганининг ўзиёқ ҳаёт даражаси тибора ўсиб бораётганидан далолат беради. Бу эса юқорида таъкидланганидек, Конституциямизда муҳраб кўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат ҳиссасини

рў-этиборга сазовор бўлиш йўлидаги эзгу ният ва орзу-интилишларимиз барчага яхши маълум. Бу борадаги O'zLiDePнинг асосий вазифаси эса мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини таъминлаш жон бошига 9 баробар ошганининг ўзиёқ ҳаёт даражаси тибора ўсиб бораётганидан далолат беради. Бу эса юқорида таъкидланганидек, Конституциямизда муҳраб кўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат ҳиссасини

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва уларнинг самараси Конституциямизда белгиланган қоидаларнинг нечоғлик ҳаётий ҳамда халқчил эканидан дарак бериб турибди.

Қонунлар ислохотлар талабига мослаштирилиши лозим

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада ▼

Мазкур блок аъзоларининг фикрича, қабул қилинган ҳар қандай қонун қанчалик аниқ, мақсадли ва бугунги ислохотлар талабига жавоб берса, унинг ижроси ҳам шунча самарали бўлади. Рақам ва далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, бугунги кунда биргина бюджет сиёсати ва иқтисодий ислохотлар соҳасида 57 та қонунчилик ҳужжати амал қилаётди. Аммо уларнинг аксарияти давр талабига жавоб бермайди. Мисол учун, «Лизинг тўғрисида»ги қонунни олайлик. Унда лизинг берувчининг балансига қабул қилинган лизинг объектини тасарруф этиш масаласи тартибга солилмаган. Шунингдек, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳам бу каби камчиликлардан мустасно эмас. Яъни, қонун қимматли қозғаларни баҳолаш амалиётининг мажбурийлиги нўқтаи назардан қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

— Кун тартибидagi масалала O'zLiDeP позициясидан келиб чиқиб ёндашган ҳолда, саноат, қурилиш ва савдо соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойбек Жумаев. — Таъкидлаш жоизки, айни пайтда ушбу соҳада 30 та қонун амал қилипти. Уларнинг таҳлили ва хатлови шундан далолат берадики, ҳали ҳамон бу борада бўшлиқлар мавжуд. Масалан, «Ойлавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали тадбиркорликнинг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклини янада кенгайтириш масаласи кўтарилди.

Муҳокамалар давомида «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга, жумладан, унинг нормаларини қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тури, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлар бажа-

риш, хизматлар кўрсатиш ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шўғулланиш ҳуқуқи мувофиқлаштиришни назарда тутуви ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи ўртага ташланди.

Қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган йилгида «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Техник тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар, Солиқ кодекси, Мазмунрий жавобгарлик кодекси-га алоқадор масалалар, «Сугориладиган ва алоҳида қимматли ерлар тўғрисида», «Йилловлар тўғрисида», «Асарчилик тўғрисида» ва бошқа қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан «Демократик қўшлар блокиннинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

НУКУСДА «ТАДБИРКОРЛАР МУЛОҚОТ ФОРУМИ»

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Иқрия қўмитаси ва партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида мамлакатимиз Конституциясининг 23 йиллиги муносабати билан «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида Нукус шаҳрида «Ўзбекистонда кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишончли ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзюда тадбир ўтказилди.

— Мустақиллик йилларида юртимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зафар Ханиязов. — Хусусан, 2012-2014 йиллар давомида хусусий мулк мавқени ошириш ва уни ишончли ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ўн бешдан ортқ қонун қабул қилинди. Натижанда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга ўтди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи эса ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Мулоқот давомида жорий йил 25 августда қабул қилинган «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Мазкур қонуннинг асосий мақсади аҳолининг вақтинча бўш турган пул маблағларини мобилизация қилиш ва уларни илмий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтириш йўли билан республикада жамоавий инвестициялаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Қўлтимурат Бабаев.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

Ҳақиқат — журналистиканинг ўзгармас қоидаси

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган конференцияда ана шу ибора қайта-қайта тилга олинди. Очқ мулоқот ва ишчанлик руҳида ўтган анжуманда ҳаёт ҳақиқатини ёритишда журналист позицияси: ютуқ, тажриба ва истиқболдаги вазифалар ҳақида атроф-лича фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислохотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини ошириш мақсадида соҳанинг ҳуқуқий асоси тибора мустаҳкамланмоқда. Айниқса, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очилиши тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очқ ва самарали мулоқот олиб бориш механизмини янада такомиллаштириш имконини бермоқда.

Хўш, бундай эътибор ва ғамхўрлик натижасида ҳозир-

ги кунда журналист касбининг ижтимоий мақоми қай даражада юксалмоқда? Баҳс-мунозаралар чоғида ҳолислик асосида ёзилган танқидий ва таҳлилий материалларнинг кўпайиши қалам аҳлининг нуфузини оширувчи омиллардан бири эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси тақдим этган маълумотларга қараганда, мазкур уюшма қошида ташкил қилинган мониторинг гуруҳи томонидан шу вақтга қадар 5500 дан ортқ танқидий-таҳлилий материал ўрганилган. Аммо бу рақамларнинг ўзи етарли эмаслиги таъкидланиб, айни йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга доир қатор



амалий таклиф ҳамда тавсиялар билдирилди.

Маълумки, ҳар бир киши ўз касбининг етуқ мутахассиси бўлиши учун энг аввало ўша касбининг ҳуқуқий асосларини пухта эгаллаштириш керак. Шу маънода журналист ҳам биринчи навбатда ўз ҳақ-ҳуқуқларини билсанига, ҳаёт ҳақиқатини тўла аққ эттира олади. Ана шу ҳаётий тамойилдан келиб чиққан ҳолда конференцияда кейинги йилларда қабул қилинган соҳага доир қонунларни китоб

ҳолида чиқариш таклифи билдирилди. Мазкур қонунларнинг тўлиқ тўплами ҳар бир журналистнинг иш столида туриши лозимлиги таъкидланди.

Конференцияда, шунингдек, «ОАВда эълон қилинаётган таҳлилий ва танқидий материаллар самарадорлигини таъминлаш омиллари», «Қўчли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида таҳририй ва муассис ҳамкорлигининг роли» мавзуларида мунозаралар бўлиб ўтди.

Бахтимиз, иқболимиз қомуси

Марғилон шаҳар педагогика касб-ҳунар коллежида ҳафтанинг ҳар жума кунин «Хуқуқ соатлари» машғулотлари ўтказилади.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига йўналтирилган машғулотларнинг навбатдагиси мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланди.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун ҳар йили катта байрам сифатида, кўтаринки руҳда нишонланади, — деди ушбу машғулотни олиб борган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Жалолдин Одилов. — Ўзбек халқининг иродаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида жамлаган Асосий қонунимиз демократик тамойилларни ақс эттирибгина қолмай, мустақиллик гоғларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Ушбу муқаддас ҳужжатимиз беназир қадрият сифатида асраб-авайлаш, ўқиш-ўрганиш, мазмун-моҳиятини тушуниш, амалий фаолиятда унга оғишмай риоя қилиниш, Ватан олдидagi фарзандлик бурчини виждонан бажариш ҳар бир ўзбек фуқароси учун шарофидир.

Тадбир муносабати билан коллеж ахборот-ресурс маркази ўқув заллида ташкил этилган «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори», деб номланган кўрғазма ҳам талабаларда катта таассурот қолдирди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.



Мана, саккиз йилдики, «Нур-наслчорва» МЧЖ моллар бош сонини кўпайтириш, юқори маҳсулдорликка эришиш баробарида Ховос туманидаги чорвачилик йўналишида фаолият юритадиган фермер хўжаликлари, аҳоли хонадонларига зотли сигирлар етказиб бериш билан шугулланиб келмоқда. Биргина 2014 йилнинг ўзида буюртмачиларга 60 бош насли қорамол сотилди. Яна бир муҳим жиҳати фаолият кенгайтириш натижасида 30 та янги иш ўрни яратилди.

Қодирқуловлар ибрати

Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»

2005 йилда «Фарҳод» сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги ташландиқ фермани ўз тасарруфига олган беш ака-ука Қодирқуловлар ишни «ноль»дан бошлашди. Ферма биноси сифатли таъмирланиб, сув тармоғига уланди. Чорва молларини боқиб учун барча шароитлар яратилди, мустаҳкам озуқа захираси вужудга келтирилди. Харид қилинган 52 бош бузоқнинг наслини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

МЧЖ раҳбари, тажрибали чорвадор Эгамқул Қодирқулов 2007 йилда хориждан 19 бош, 2009 йилда эса яна 52 бош қора-ола зотли гунажинларни олиб келган эди. Уларнинг бош сонини кўпайтириш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланди. Натижа чакки эмас. Бугунги кунда «Нур-наслчорва» МЧЖда моллар сони 300 бошдан зиёд ташкил қилади. Улар парвариши илгор зооветеринария талаблари асосида ташкил этилган. Шу тарихда қишлоқда турмуш фаровонлигининг юксалишига муносиб ҳисса қўшиляпти.

Буни кўйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. 2010 йилда тумандаги аҳоли ва фермер хўжалиқлариغا МЧЖ томонидан 10 бош зотли сигир сотилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 17 бошга, 2012 йилда 35 бошга, 2013 йилда 40 бошга етди. Бултур эса чорвадорлар томонидан буюртмачиларга сотилган насли сигирлар сони 60 бошни ташкил қилди. Тиниб-тинчимас Эгамқул фермернинг эътирофи эътибор эътибори, чорвачиликда наслини яхшиламай туриб қўтилган натижага эришиб бўлмади. Бунда озуқа базасининг мустаҳкамлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Масъулияти чекланган жамият аъзолари аввал-бошданок асосий эътиборни ана шу масалага қаратишди. Утган йиллар мобайнида озуқа экинлари майдони 150 гектарга етказилди. Бу майдонларнинг 92 гектари бедазор, 15 гектари бугдой ва маккажўхори, 34 гектари эса пахта етиштиришга мўлжалланган. Чорвадорлар ҳар йили гектаридан 300 центнердан беда сенажи, 400 центнердан маккажўхори силоси тайёрлаб, қишлоғга пухта ҳозирлик кўришади. Бу эса қишлоқни беталофат ўтказиш имконини бермоқда.

Муҳими, чорвадорларнинг эртаю кеч қилган меҳнатлари кутилган самарани бераёпти. Сигирлардан кунига 14-15 килограмдан сўз соғиб олинмоқда. Омилкорлик, ишининг кўзини билиб фаолият юритиш натижасида масъулияти чекланган жамият банкдан олинган 298 миллион сўмлик кредитни муддатидан илгари қайтаришга муваффақ бўлди. Шунингдек, 3 та МТЗ-80, 1 та «Алтай», 1 та хашак ўриш агрегати, юкловчи мослама ва бошқа бир қатор зарур техникалар харид қилинди.

Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони биз, қишлоқ мулкдорлари учун янгидан-янги уфқларни очди, — дейди жамият раҳбари Эгамқул Қодирқулов. — «Нур-наслчорва»ни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантиришни мақсад қилиб қўйдик. Келгуси йил банк кредити ёрдамида сутни қайта ишлаш цехини ишга туширишни кўзлаб турибмиз. Цех қаратма келгач, бу ерда ўндан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланади.

Яна бир далил. Қишлоқ чорвадорлари табиий ўтдан биогаз олиш лойиҳаси бўйича изланишларни давом эттиришмоқда. Бу лойиҳа тўла рўйбга чиқса, хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш таннарихи бирмунча арзонлашади.

Дарҳақиқат, ака-ука Эгамқул, Суяноб, Хонимқул, Ғайрат ва Муҳаммадқул Қодирқуловларнинг яқдил меҳнатлари туманда замонавий чорвачиликни ривожлантириш, насли моллар бош сонини кўпайтиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшиляпти. Уларнинг иш тажрибасини Сирдарё вилояти миқдосида оммалаштириш мақсадида турли семинарлар ташкил этилмоқда. Ака-укаларнинг насли моллар бош сонини кўпайтириш, озуқа етиштириш, алмашлаб экиш борасидаги иш тажрибаси эса ёш чорвадорлар ўртасида кенг қанот ёймоқда. Ана шу сазъ-ҳаракатлар, беш ака-уканинг ибратли фаолияти туфайли биргина жорий йилнинг ўзида туманда ўндан зиёд кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил қилинди. Эндиликда улар ўз фаолият доирасини кенгайтириб, туман иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Халқ мақолига ҳамоҳанг даъват

О'zLiDeP электоратининг асосини ташкил этувчи фермерларимиз мамлакат ҳаётини тубдан янгилаш, бозор муносабатларига асосланган кучли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга ошириляётган ислохотлар муваффақиятига муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

Абдусалим ЖАЛИЛОВ, «Қизилтепа шарбатлари» МЧЖ раҳбари, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси

агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишлари учун 100 миллион сўмдан зиёд бунак пули тарқатдик. Зараркунанда ҳашарот ва ўсимлик

ганда, узумзорлар ҳосилдорлигини ошириш орқали юқори кўрсаткичларга эришган «Назирбек Мирзоҳид Носир», «Мукаррама Рамазонава»,

фермерлик ҳаракати ҳар томонлама рағбатлантирилиб, унинг ривожига кенг йўл очиб берилганлиги, хусусий мулк ва мулкдорлар синфининг манфаатлари давлат ҳимоясига олинганлиги, қолаверса, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган юртдошларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий-сиёсий билими ошганлиги, қисқача айтганда, оқ билан қорани, фойда билан зарарни фарқлай бошлагани мазкур муваффақиятнинг асосий омилдир, десак, муболага бўлмайди.

Энг асосийси, фермерларимиз ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига кейинги йилларда ҳудудда 4 та («Маҳфуза», «Усто Қодир», «Мадад» ва «Суғон тонги» фермер хўжалиқларида) умумий ҳажми салкам 400 тонна ситимли совутич омборхонани ишга туширишди. Уларда айна пайтда олма, узум, сабзи, қарам сингари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланмоқда. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, резаворлар камайган қиш мавсумида бозорлар тўқинлигига эришиш баробарида фермерларимизга меҳнатига яраша даромад олиш имконини яратди.

Партиявий тадбирлардаги мулоқотлардан, депутат сифатида сайловчилар билан ўтказиляётган учрашувлардан шу нарсага тўлиқ амин бўлдимки, қишлоқда яшовчи юртдошларимиз мустақиллик туфайли омилкорликка ўрганишди. Берилган катта имконият — қўшимча томорқаларда қишнинг ёш турли экинларни етиштириш илмини пухта эгаллашди.



касалликларига қарши курашиш мақсадида 20 миллион сўмлик кимёвий дори воситалари етказиб берилди. Натижада фермер хўжалиқларидан контракция шартномасида кўрсатилган 650 тонна ўрнига 900 тоннадан зиёд узум қабул қилдик. Бу 2014 йилга нисбатан 200 тоннага кўпдир. Кези кел-

«Мадад», «Дилрабо», «Санокуллов Ҳожикўрбон» ҳамда «Рўзимурод бобо» фермер хўжалиқлари соҳибкорларининг фидокорона меҳнатини алоҳида таъкидламоқчиман.

Хўш, фермерларимиз бундай натижаларга қандай эришишмоқда? Энг аввало, ер ўз эгасини топганлиги, мамлакатимизда жамоат фонди туман бўлими раиси Аъзамжон Мадумаров. — Пахтаободликлар ҳаммиса ўз суларининг устидан чиқиб келишган. Зеро, ваъда вафоси билан улуг. Ишонманки, фермерларимиз йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, ўз фаолиятида туб бурилиш ясайдилар.

Изобқанда бўлиб ўтган халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермер хўжалиқларига ажратилган ер участкаларидан унумли фойдаланишни таъминлаш, фермерларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз юритилди.

Тумандаги мавжуд 475 та фермер хўжалигидан 225 таси пахтачилик ва галлчиликка ихтисослашган. 2015 йилда 32 та фермер хўжалиги давлатга пахта сотиш шартномасини бажара олди. Натижада 7 миллион ард 300 миллион сўмдан зиёд қарздорлик юзага келди. Мавжуд аҳвол чуқур таҳлилдан ўтказилиб, 567 та фермер хўжалиги янгитдан ташкил этилди. 8 нафар фермер билан тузилган шартнома бекор қилинди.

Фермерлик — юксак масъулият

Барча жойда бўлганидек, Андижон вилоятида ҳам фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қишлоқ мулкдорларининг молиявий имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса янгидан-янги ютуқларга йўл очаётир. Ишлаб чиқариш миқдослари кенгайиб, аҳоли ўртасида бандлик даражаси ошмоқда. Лекин агросаноат тизимида ютуқлар билан бирга айрим камчиликларга йўл қўйиляётганлиги ҳам сир эмас. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларнинг сессияларида ана шулар хусусида атрофлича сўз юритилиб, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинмоқда.

Эльмира РАҲМОНОВА, «XXI asr»

Пажтаободда бўлиб ўтган халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг масъул ходимлари, соҳага алоқадор ташкилотлар ва фермер хўжалиқларининг раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этдилар. Сессияда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, фермер хўжалиқларига ажратилган экин майдонларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар хусусида фикр юритилди.

Маълум бўлишича, жорий йилда Пахтаобод туманидаги мавжуд 722 та фермер хўжалигидан 20 таси пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режасини бажара олмаган. Натижада хизмат кўрсатиш корхоналаридан 5 миллиард 500 миллион сўмдан зиёд қарздорлик юзага келган.

Туманда амалга ошириляётган мақбуллаштириш чора-тадбирлари фермерлик ҳаракатини кенгайтиришда муҳим аҳами-

ят касб этмоқда. Бунинг натижасида ҳудудларда қўшимча 2500 та иш ўрни яратилганлиги эътиборга молиқдир. Вилоят ҳокими, Олий Маҳлис Сенати аъзоси Шухратбек Абдураҳмонов сессияда сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, фермерлар масъулиятини ошириш билан боғлиқ муҳим вазифаларга тўхталди. Сессия иштирокчилари кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

— Камчилик ва ҳатоларни яхши англаб турибмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия

«БЕКНАЗАР БИЗНЕС»НИНГ БИЛГАННИ БИЛГАН

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Нишон туманида сабзавот мутлақо етиштирилмас, аҳоли эҳтиёжи кўшни ҳудудлардан келтириладиган маҳсулот эвазига қондирлар эди. Чунки чўл зонасидаги шўр ерда экинлар яхши ривожланмасди. Аммо қаловини топса қор ҳам ёнади, деганларидек, изланса, ҳар қандай мушкулотнинг ечими топиларкан. О'zLiDeP Нишон туман кенгаши раиси, тадбиркор Бекназар Сариев бир неча йил муқаддам эзгу ташаббус билан чиқиб, фермер хўжалигида такрорий экин сифатида сабзавот маҳсулотлари етиштира бошлагани бунинг яққол мисолидир.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

Яхшигина даромад ҳам олинди. Б.Сариев истиқлолнинг дастлабки йилларида тадбиркорликни йўлга қўйган иқтидорли ёшлардан «Бекназар Уралович» фермер хўжалиги раиси сифатида деҳқончилик ҳадисини пухта ўзлаштирди. Ҳам тадбиркорлик, ҳам сиёсий фаолиятда ўрнатилган кўрсаткич, элнинг олқисини олиб келаётир. Жорий йилда 150 гектар ернинг 78 гектарига «Порлоқ» навли чигит экиб, 40 центнердан хирмон кўтарди. 70 гектар ерда 257 тонна сара дон етиштирди. 2,5 гектар майдондаги сабзидан ҳам


мўл ҳосил олди. Хўжалик қошидаги бошланғич партия ташкилоти фаоллари Жамшид Баҳриддинов, Рашид Қурбонов, Бекелди Сариев, Раҳмон Эшмуродов, Улдона Ҳасанова, Эрназар Сариев, Шаҳри Хушатов аҳоли ўртасида партия дастурий мақсадларини тарғиб этишга ҳам вақт топмоқдалар.

— Бекназар Сариев ташаббускор тадбиркорларимиздан, — дейди Нишон тумани ҳокими, О'zLiDeP аъзоси Мухтор Ҳайитмуродов. — Бошлаган ишини якунига етказмагунча тиниб-тинчимайди. У раҳбарлик қилаётган «Олтин мева» масъулияти чекланган жамияти аҳолига мевали дарахт кўчатлари, сабзавот ва полиз экинлари уруғлари етказиб беришда ҳам ном қозонган. Омгани деҳқончиликка, богдорчиликка, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сафарбар эта бошлаганимиз ўз самарасини бераётир. Натижа ёмон эмас. Бугунги кунда бобдеҳқонларимиз далаларда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари билан аҳолини тўлиқ таъминламоқда. Ўндан ортиқ қайта ишлаш цехлари фаолият юртияпти.

Икки қаватли савдо дўконини қурган, 200 тонналик замонавий совутич ишга тушириб, 17 та иш ўрни яратган Бекназар Сариев ушбу йўналишларда кўпга ўрнатилган. Айни пайтда фаолиятини бутунлай тўхтатган автокорхона биносини 1,5 йил давомида 540 млн. сўм инвестиция киритиш шарти билан «ноль» қийматда олиб, қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Бу ерда келгусида замонавий ишлаб чиқариш цехи барпо этилади.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Тадбиркорнинг нечоғли тадбиркорлиги амалга оширган ишлари билан ўлчанади. Шу боис туманда катта-ю кичик Бекназар Сариевни ҳурмат билан тилга олади. У О'zLiDeP туман кенгаши раиси этиб сайлангандан сўнг жойлардаги бошланғич ташкилотлар ишда ҳам жонланиш юз берди. Партия сафлари фидойи, жонқуяр, ташаббускор ёшлар, тажрибали инсонлар ҳисобига сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда туманда 60 та БПТ фаолият кўрсатяпти. Партия аъзолари сони эса 1500 нафардан зиёд ташкил этди.

— Кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш учун зарур шароит яратиш, улар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш юзасидан туман Фермерлар кенгаши билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз, — дейди нишонлик либераллар етакчиси. — Мамлакатимизда фермер хўжалиқларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, фермерларнинг ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабеллигини оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш учун имконият етарли. 876 та фермер хўжалиги пахта, галла, 25 нафар фермер чорвачилик, 43 нафари эса богдорчилик ва узумчилик билан машғул. Уларни кўп тармоқлига айлантириш, банкларнинг кредити эвазига замонавий техноло-



гиялар келтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишларида яқиндан кўмаклашялгимиз.

Пахтазор қишлоғида тадбиркор ва фермер борки, Бекназар билан баъмаслаҳат иш юритишга ҳаракат қилади. Қишининг қаҳратонида, ёзининг жазирасида, баҳорнинг серёмғир, кузининг барғихазон кунларида ҳам тиним билмайди тадбиркор улар билан бафуржа сўхбат қуриб, кўмак беришга доимо вақт топади. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга ўзи етакчилик қилаётган халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларини тўлиқ сафарбар этган. Эришиляётган натижалар эса, юқорида таъкидланганидек, ўрнатилса аризулиқдир.

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 47 (627)-son, e-mail: xxi_asr@mail.uz

Ҳар бир жумланинг мазмунини англаш зарур

Бухоро синов ва сертифицилаштириш марказида ташкил этилган O'zLiDeP таянч тузилмаси раиси Шухрат Ҳайдаров институтда ўқибётган кезларидаёқ партия вилоят ва шаҳар кенгашлари томонидан ўтказилган тури тадбирларда фаол иштирок этар, келгусида мазкур сиёсий куч аъзоси сифатида фаолият олиб боришни кўнглига тугиб қўйган эди. Бугун эса у етакчилик қилаётган БПТ энг илгорлар қаторида тилга олинмоқда. Шунингдек қайд этиш керакки, бошланғич ташкилот аъзолари касб таълимга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига хизмат кўрсатиш баробарида партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, ишбилармонлигини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари хусусида ҳам кенг маълумот беришяпти.

Ҳар бир жумласининг мазмунини чуқур англаб етиш ва унга амал қилиш зарурлиги тўғрисида сўз юритдилар. Шунингдек, Конституцияда ҳар бир шахсининг муқдор бўлишига ҳақиқат экани белгилангани, Асосий қонун тўғрисида мамлакатимизда тадбиркорлик тобора кенг кулоч ёзаётгани таъкидланди.

А.ИСТАМОВ

Тараққиётимиз тамал тоши

Қаримана туманидаги «Муҳаббат боғи» хусусий корхонасида фаолият кўрсатётган O'zLiDeP бошланғич ташкилотиде ўтказилган навбатдаги тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётимизда тутган мавқеини аҳоли ва партия электорати вакиллари ўртасида тарғиб қилишга бағишланди. БПТ аъзолари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этган мулоқотда таъкидланганидек, бевосита Юртбошимиз раҳнамолиги ва иштирокида бошқа ҳеч бир мамлакат конституциясида учрамайдиган ҳуқуқий нормаларни ўзиде мунассам этган, жумладан, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат, элат ва халқларнинг маданият, қадрият, урф-одат ва анъаналарига ҳурмат, ислохотларнинг инсон манфаатларига хизмат қилишини кафолатловчи, бозор муносабатларига асосланган тараққиёт йўли, хусусий мулк ва мулкдорлар синфи вакиллари манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган Асосий қонуннинг ишлаб чиқишига ҳам, энг аввало, Ўзбекистонимизнинг бундан 24 йил олдин қўлга киритган давлат мустақиллиги имкон яратди.

Сўзга чиққанлар Бош қомусимизнинг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари сингари дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани белгилангани қабул қилинаётган барча норматив ҳужжатларда мулкдорлар манфаатларига алоҳида эътибор қаратилиши, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш хусусида ўз фикрларини баён этдилар.

Тадбир сўнгида партия сафига янги қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

М. АСЛОНОВ

РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ

Аввал хабар берганимиздек, O'zLiDeP таянч тузилмалари ўртасида «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танловининг вилоятлар босқичи якунига етди. Мазкур жараёнда БПТлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва тақомиллаштириш, уларнинг сифат таркибини янада яхшилаш ҳамда илғор иш тажрибаларини оммалаштириш каби масалалар асосий ўринни эгаллади. Кўзланган мақсад ҳам амалга ошди: юзлаб қуйи бўғинлар орасидан энг муносиблари сараланиб, республика босқичига йўлланма берилди.

Муваффақиятга машаққат билан эришилади

— Қашқадарёда ушбу танлов юксак савияда ташкил этилди, — дейди партия вилоят ташкилоти БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Шаҳнозаҳон Муродова. — Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, Ҳузур туманидаги «Шўртангазим»

мём мажмуасидаги БПТ биринчи, Қарши туманидаги «Йиллиной» МЧЖда тузилган қуйи ташкилот иккинчи, Чироқчидаги «С.Утаев» МФЙда иш олиб бораётган бошланғич ташкилот учинчи ўринга лойиқ топилди.

— Нафақат вилоят, балки республика-мизда ҳам энг йирик БПТлардан бири бўлган тузилмаимиз томонидан амалга оширилган гоёвий-сиёсий ишлар кўлами жуда кенг, — дейди «Шўртангазим» мажмуасидаги қуйи тузилма раиси Шухрат Уватов. — Бундан ташқари, корхонамиз ҳудудида

олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, маънавий-маърифий ишларда ҳам партия ташкилотимиз бошқош. Тез-тез ташкил этилаётган давра суҳбатларида минглаб ёшлар қатнашишяпти. Фаолларимиз Ҳузур, Деҳқонбод туманларида бўлиб ўтаётган партиявий тадбирларда сўзга чиқиб, тадбиркорликни ривожлантириш, одамларнинг интеллектуал қобилиятини ишга солиш, туманларнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида асосли таклифлар билдирмоқдалар. Вилоятдаги бошланғич ташкилотлар ўртасида биринчи бўлиш шарафли, айни пайтда зиммамизга катта маъсулият ҳам юклайди. Давр билан ҳамқадам ва ҳамнафас иш юритиб, партияимиз нуфузини оширишга бундан-да кўпроқ ҳисса қўшишга бел боғлади.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоси Панжи Гелдиевнинг айтишича, «Яккабоғ геофизика экспедицияси» филиалида фаолият юритаётган таянч бўғин «Энг кўп аъзоларни бирлаштирган БПТ», «Арабхона» МФЙ бошланғич ташкилоти «Хужжатлар юритилиши яхши йўлга қўйилган, энг яхши хона ва жиҳозларга эга бўлган БПТ», «Қашқадарёмаҳсуқурилиш»



ШҚда рўйхатдан ўтган партия ташкилоти «Тадбиркорлар ва мулкдорлар синфига бегараз ёрдам кўрсатаётган, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда фаол иштирок этган БПТ» ва яна 7 та қуйи бўғин шу сингари номинатсиялар бўйича муваффақият қозониб, навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

С.ИКРОМОВ

Улардан ўрناق олса арзийди



Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтириш, оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, фермерликни ривожлантириш орқали юртдошларимиз бандлигини таъминлаш борасида партия қуйи бўғинлари томонидан олиб борилаётган ишлар эътиборга молик. Кўрик-танловнинг Сирдарё вилоят босқичида БПТлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг ана шу жиҳатларига ҳам алоҳида диққат қаратилди.

Қайд этиш жоизки, ҳудудда сафла-

рига 10 минг 519 нафар маслақдошимизни бирлаштирган 450 дан ортқ БПТ тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини оширишга интилоқда.

Танлов низоми талабларига кўра, бошланғич ташкилотлар етакчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Ҳакамлар ҳайъати томонидан синчиқлаб кўриб чиқилди. Пировардида Боввут тумани марказий шифохонаси бошланғич ташкилоти биринчи ўринга муносиб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар «Мирзаобод электр тармоқлари» корхонаси ҳамда O'zLiDeP Ширин шаҳар ташкилотидеги

таянч бўғинларга насиб этди.

Шунингдек, Янгийер шаҳридаги «Намуна» ва «Маърифат», Ховос туманидаги «Гулбаҳор», Гулистон шаҳридаги «Қувонч» маҳалла фуқаролар йиғинлари, Гулистондаги «Бек» бирлашмаси ва бошқа бир неча қуйи бўғинга «Сиёсий таълим маркази ўқувлари ва партиявий тадбирларда энг фаол иштирок этган бошланғич ташкилот», «Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускор бўлаётган БПТ» каби 10 та номинатсия бўйича тенг келадиغانлар топилмади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, биринчи ўринни эгаллаган таянч тузилма аъзоларининг фаоллиги натижасида жорий йилда БПТ сафига 30 нафар янги кучлар келиб қўшилди.

— Инсонпарварлик ва бағрикенглик халқимизга хос овланоб фазилат, — дейди шифохонадаги қуйи бўғин етакчиси Моҳира Отамуродова. — 128 нафар партиядошимиз ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кексаларни тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга моддий ва маънавий кўмак беришда намуна кўрсатишяпти. Масалан, уруш ва меҳнат фахрийларига бепул дори-дармонлар берилишини ташкил қилишда ҳам БПТ фаоллари сезиларли улуш кўшмоқдалар.

Д.ЭСОНОВА

Ижтимоий-сиёсий жараён ўзаги

Ҳозирда Самарқанд вилоятидаги 1002 та БПТ 26 минг 396 нафар маслақдошимизни жиғиштириб турибди. Қайд этиш керакки, таянч тузилмалар ўтган йилга нисбатан 32 тага, партиядошларимиз эса 2 минг 953 нафарга кўпайган.

Хусусан, Самарқанд шаҳар «Сувоқова» корхонасида ташкил қилинган O'zLiDeP таянч нуктаси энг намунали қуйи бўғинлардан бирига айланди. 60 нафардан ортқ партия аъзоси ўз ваколатлари доирасида хусусий сектор вакилларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий савиясини ошириш, улар дуч келаётган айрим муаммолар ечимини топишга муайян ҳисса қўшиб келмоқда. Қуйи ташкилот ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат муассасалари билан ҳам алоқаларни мустаҳкамлади. Жойлардаги долзарб муаммоларга депутатлар, кенг жамоатчилик диққатини жалб этди. Утган 9 ойда БПТ ташаббуси билан 30 га яқин давра суҳбати, мулоқотлар уюштирилди.

Бинобарин, танлов натижаларига кўра мазкур БПТ биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Жанубий кон бошқармаси ҳамда «Истиқлол

шувласи» фермер ҳўжалигида иш юритаётган бошланғич ташкилотлар кўлга киритдилар. Шунингдек, танловнинг қўшимча номинатсиялари бўйича ҳам энг кучлилар аниқланди.

— Партия гоё ва мақсадларини изчил тарғиб этишда ҳеч бир бўғин БПТдек катта имкониятларга эга эмас, — дейди «Сувоқова» корхонасидаги қуйи ташкилот етакчиси Акбар Баҳриев. — Ваколатларимизни ишга солган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини самарали йўлга қўйиб, мулкдорлар синфи вакилларининг қонуний манфаатларини ифодаловчи масалалар бўйича юқори партия ташкилотига таклифлар бериб боришга ҳаракат қилаямиз. Кўргазмали воситалардан унумли фойдаланаямиз. БПТ хонаси корхонадаги ижтимоий-сиёсий фаолият ўзаги ва мунозаралар майдонига айланган десам, муболага бўлмайди. Буларнинг барчаси аҳолининг таянч бўғинларга ишончини янада мустаҳкамляпти. Танловда фаолиятимизга юқори баҳо берилгани эса бизни янада самаралироқ ишлашга ундайди. Рағбат ва эътибор учун барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдираемиз.

М.РАВШАНОВА

Нуронийлар дуоси — яхшиликлар дунёси

Чортоқ туманида O'zLiDePнинг 52 та бошланғич ташкилоти бўлиб, улар ўз атрофида 1070 аъзони бирлаштирган. Қуйи бўғинларнинг 7 таси фермер ҳўжаликларида иш олиб бормоқда. Жумладан, «Озода Онахон Мафтуна» фермер ҳўжалиги раҳбари Собиржон Рустамов ташкилотчилиги, ташаббускорлиги билан обрў-эътибор қозонган. У партиянинг мулкдорлар қатламни кўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишларидан яхши хабардор.

Қишлоқ мулкдори ҳодимларга сиёсий куч дастурида белгиланган ва шу асосда олиб борилаётган ишлар хусусида кўп гапиради. Шундан бўлса керак, ҳўжаликда ишловчи 11 киши партия сафига ўтишган. Уларни ҳўжалиқдаги O'zLiDeP бошланғич ташкилоти жиғиштириб турибди.

Яқинда Кексаларни эъозлаш йили муносабати билан БПТ етакчиси ташаббуси асосида «Арбағиш» МФЙ ҳудудида яшовчи отахон ва онахонлар бир пиёла чойга таклиф этилди. Тадбирни O'zLiDeP Чортоқ туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Акрамжон Ибрагимов олиб борди.

Партия вилоят кенгаши бўлими мудири Илҳомжон Мирзаев юртимизда кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром, яратилаётган шароитлар ҳақида сўз юритди. Давлат дастури асосида нуронийлар бепул тиббий кўриқдан ўтказилаётгани, санаторийларда даволанишлари учун йўлланмалар берилаётгани, байрамларда иззат-икром кўрсатилиб, совғалар топширилаётгани, бу борада O'zLiDeP ҳудуди ва маҳаллий кенгашлари, қуйи бўғинлар ҳам муайян ишларни амалга ошираётганлигини қайд этди.

Аёллар билан ишлаш бўлими мудири Ҳуснида Иминжанова ўз сўзида мўътабар онахонларимиз қизларни турмушга тайёрлаш, ажрашишларнинг олдини олиш, тўй ва маросимларни камҳарж қилиб ўтказиш ва бошқа жабҳалар бўйича доно маслаҳатларни, панду насиҳатлари билан ўз хиссаларини қўшишяётганини миннатдорлик билан таъкидлади.

Тадбирда пиру бадавлат кексалардан Онахон Турсунова, Мастира Рустамова, Турғунбой Сотиев, Турсунали Қозоқов ва бошқаларга совғалар топширилди. Бу эътибордан мамнун нуронийлар юртимизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин, хирмонларимизга барака берсин, дастурхонларимиздан тўкин-сочинлик аримасин, дея дуо қилишди.

Комилжон ФАЙЗИЕВ, O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати раҳбари.

«O'ZLIDERNING ASOSIY MAQSADLARIDAN BIRI — PARTIYANING SIYOSIY PLAT-FORMASI, Y'ANI LIBERAL-DEMOKRATIK FOYA VA QADRIYATLARNI KENG OMMA ONGIGA SINGDIRISH, BU BORA DA HAR TOMONLAMA CHUQUR UYLANGAN TASHVIQOT VA TARGIBOT ISHLARINI OLIB BORISSH, UZ SAFINI KENGAITIRISH, SHU FOYLARNI XAETGA TATBIK QILISHDA FIDOYILIK KURSATGAN FAOLLARNI DEPUTATLIKKA NOMZOD SIFATIDA KURSATISH VA SAYLOVCHILAR ISHONCHINI QOZONGAN UZ DEPUTATLARI ZIMMASIGA DAVLAT HOKIMIYATINING QONUN CHIKARUVCHI VA IJRO ETUVCHI ORGANLARIDA VAKILLIK VAZIFASINI YUKLASH HAMDA ULARNING FAOLIYATINI BOSHQARISHDIR.»

O'zLiDeP Ustavidan.

«Дастурий ғояларимизга эргашинг...»

Янгиқўрган — Наманган вилоятининг чекка, тоғли тумани. Лекин бундан ҳудудда либерал-демократик ғоялар таъсири нисбатан кучсиз, деган хулоса чиқмайди.

Ахроржон МУСУРМОНОВ, «XXI asr»

— O'zLiDePнинг гоё ва мақсадларини тарғиб этиш учун собитқадамлик билан иш олиб бораёямиз, — дейди партия туман ташкилоти БПТлар билан ишлаш бўйича бош консултант Жамилла Соътовдиёва. — Аҳоли ўртасида фаолиятимизга қизиқиш ортиб борапти. Буни партиявий лойиҳаларда иштирок этиш истаги баён этилган аризаларнинг тобора кўпаяётганидан ҳам билиш мумкин. Бошланғич ташкилотларимиз ташаббуси ҳам сиёсий куч нуфузи ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, тумандаги 89 та бошланғич ташкилот ўз атрофида 1537 нафар аъзони бирлаштирган. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ, шу йили уларга халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP

депутатлик гуруҳининг 13 нафар вакили бириктирилди. «Янгиқўргонтумангаз», Ахборот-маслаҳат маркази, «Агробанк» филиали, почта ташкилоти, «Ян текс» МЧЖдаги қуйи бўғинлар депутатлар билан ҳамкорликда зиммаларидаги вазифаларни бекаму кўст адо этишга интилоқдалар. Масалан, «Тинчлик» МФЙда тузилган БПТ Шоҳсанам Боймирзаева етакчилигида ўз салоҳиятини рўёбга чиқараёпти. Чунончи, маслақдошлар йил бошидан буён 20 га яқин партиявий тадбир уюштирилди. Юқори савияда уюштирилган ташвиқот ишлари, жумладан, аҳолининг тадбиркорликка, касаначиликка қизиқишини кучайтирмоқда.

— Бошланғич ташкилотга бириктирилганман, бу эса фаолиятимда алоҳида ўрин тутмоқда, — дейди туман кенгаши депутати Тур-

сунпўлат Мўминов. — Яқинда қуйи бўғинга фуқаро Маҳмудба Тоғаева мурожаат қилиб, тадбиркорликни йўлга қўйишга ёрдам сўради. Фаоллар йиғилиш ўтказиб, масалани ўрганишди. Сўнгра тегишли тартибда бу иш менга топширилди. Мурожаатчига бизнес-режа тузиш, бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва «Агробанк» филиалига топширишда яқиндан ёрдам кўрсатилди.

Саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. М.Тоғаева қисқа фурсатда 14 млн. сўм миқдорда кредит олиб, тикувчилик йўналиши бўйича бизнесини йўлга қўйди. Бунинг шарофати билан 3 нафар хотин-қиз муҳим иш ўрни билан таъминланди.

Шунингдек, мазкур БПТ ташаббуси билан маҳаллада ҳашар ўтказилгани ҳам диққатга сазовор. Кўчалар юзини юглаб ётган ҳазон-яроқлар олиб ташланди. Ариқлар, йўлақлар четлари тозаланди, дарактлар окланди. Ҳашарда сидиқидилган ишлаганларга партиянинг эсдалик совгалари топширилди.

— Маҳалламиз ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларда зарур кўникмаларни шакллантириш ҳам қуйи бўғинимиз иш режасига киритилган, — дейди БПТ раиси. — Бунда партияимизнинг махсус лойиҳалари кўл келади. Шунинг баробарида тажрибали тадбиркорлар ёрдамидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Ишончим комил: ора-мизда тадбиркорлик тузилмаларини йўлга қўйиб, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам фаровонлигини оширишни ҳошловчи ёшлар бисёр. Зеро, тадбирларимизда «O'zLiDeP ғояларига эргашинг, ишонинг, партияимизни кўллаб-қувватланг, кам бўлмайсиз», деган даъватлар бот-бот янрайди. Улар шунчаки қуруқ гап эмаслигини одамлар кўриб-билиб турганидан қувонаман.

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЁТГАН ТАБАРРУК ҚАРИЯЛАР

— Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан барча жойда бўлганидек, Сирдарёда ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Фарҳод Боқиев.

Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»

— Бугунги кунда ҳудудда 72167 нафар нуруний умргузаронлик қилмоқда. Уларнинг 1381 нафарини уруш ва меҳнат фахрийлари ташкил этади. Юз ёшни қаршилаган отахону онахонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, ўз вақтида моддий ва маънавий ёрдам берилляпти.

Чиндан ҳам «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вилоятда қарияларга эътибор кучайтириляпти. Жумладан, 278 та маҳаллада истиқомат қилаётган 432 нафар фахрий, шунингдек, иқтимоий ғимояга муҳтож кишиларнинг уй-жой шaroитларини яхшилаш диққат марказида тутиляпти. Ҳозиргача уларнинг 112 нафари шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Ушбу мақсадлар учун 242,2 сўм маблағ сарфланди. Хусусан, Сирдарё тумани ва Янгйер шаҳарларидаги «Саховат» ва «Муруват» уйларида яшовчи 256 нафар ногиронга ётоқ тўпламлари, шахсий гигиена воситалари ҳамда киши киийим-кечаклар тўхфа қилинди. Утган вақт мобайнида кўплаб

уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар, ёлғиз ва иқтимоий ғимояга муҳтож кексалар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Улардан 56407 нафарига амбулатор шaroитида, 5074 нафарига туман, вилоят шифохоналарида, 226 нафарига республика соғломлаштириш муассасаларида даволаниши учун йўланмалар берилди. Дастурга мувофиқ, бу йил 2016 нафар уруш ва меҳнат фахрийсини санаторийларда соғломлаштириш режалаштирилган. Айти кунга қадар уларнинг 1471 нафарига малакали тиббий хизмат кўрсатилди.

ра-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунга мувофиқ Янгйер шаҳридаги «Муруват» уйида 60 ўринли ётоқхона биносини қуриш ва ёрдамчи иншоотларни таъмирлаш учун 3406,2 сўм миқдорда маблағ ажратилган эди. Айти кунга қадар 2 қаватли бино ва ёрдамчи иншоотларнинг томи ёпилиб, катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҳадемай улар фойдаланишга топширилади.

Кексаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун турли-туман маданий-маърифий шаҳарларга саёхатлари уюштирилди. Улар учун концерт ва бошқа кўнгилчор томошалар ташкил этилди.

Юз ва ундан катта ёшдаги инсонларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, вилоятнинг қатор туман ва шаҳарларида «Аср билан юзма-юз» мавзуда учрашувлар ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари отахону онахонларнинг уйларига ташриф буюриб, уларга озиқ-овқат, киийим-кечаклар тўхфа қилишди. Энг муҳими, ушбу хайрия тадбирларида вилоятдаги тадбиркорлар фаол иштирок этмоқдалар. Уларнинг ҳиммати, саъй-ҳаракати билан маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз ва иқтимоий ғимояга муҳтож кексалардан юз нафарига замонавий мебеллар, уй-рўзгор буюмлари бепул тарқатилди.

ЮЗ ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ИНСОНЛАРГА АЛОҲИДА ҲУРМАТ КЎРСАТИЛИБ, ВИЛОЯТНИНГ ҚАТОР ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРИДА «АСР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ» МАВЗУИДА УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Маълумки, 2015-2016 йиллар мобайнида Меҳнат ва аҳоли иқтимоий муҳофазаси қилиб вазирлиги тизимидаги санаторий-соғломлаштириш муассасалари ҳамда интернат уйларидаги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чор

фий тадбирлар уюштирилмоқда. «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилаётган ушбу тадбирларнинг жўғрофий доираси анча кенг. Шу асосда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 6010 нафар фахрийнинг турли музейлар, та-

дбиркорларнинг фаолият юритаётгани эса ҳар қандай масалага оқилона ечим топиш, оилаларда тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ҳа, табарруқ қариялар осойишталик тисоли, хонадонларимиз кўрки ва файзидир. Зеро, халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», деб бекорга айтмаган.



Фотомухбиримиз Солижон Зоировнинг Жиззах вилоятига сафари давомида олинган ушбу суратдаги нуруний инсон 96 ёшли Ёқубжон ота Ҳақимовдир. У Жиззах тумани, Кўшбармоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Чақмоқ» чорвачилик фермер хўжалигига асос солиб, кўп йиллар унга раҳбарлик қилди. Айти пайтда турмуш ўртоғи Лола ая билан 15 нафар фарзанд, 68 нафар невара, 128 нафар чевара ҳамда 8 нафар эвара қуршовида умргузаронлик қилмоқда.

Қора кишимиш нега мазали?

Форишнинг ширали узуму майизларини қўшни мамлакатларда ҳам яхши билишади. Деҳқонлар уларнинг тақдорларимас мазасини тоғиклими билан боғлайдилар. Ҳудудда ток ишконларга осилмайдми, ер бўйлаб ўстирилади. Узумчилик маҳаллий аҳолининг асосий даромад манбаларидан биридир. Шундан бу ердагилар соҳа сирларини пухта эгаллашган. Туманда асосан қора кишимиш етиштирилади. Сабаби ушбу навадан Форишнинг машхур майизлари олинади. Шунингдек, хусайни, хўраки, оқ ва қора таййфи, қизил сайфи навлари ҳам йўқ эмас.

Михан қишлоғида яшовчи Абдусалом Абдурахмоновнинг 25 сотихлик томоқсидида ўсаётган 450 тул тоқнинг 180 таси қора кишимишидир. У тоқордаги барча ишларни икки ўғли кўмағида амалга оширади. 32 йил мактабда ўқитувчилик қилган Абдусалом ака нафақага чиққач, богдорчилик билан шуғуллана бошлади. Ешлиқдан бу ишнинг ҳадисини олганлиги боис, баракали ҳосил кўтармоқда. Ҳар йили узуму майизнинг ўзидан 7-8 миллион сўм даромад қилади.

— Қора кишимиш 3 йил деганда ҳосил беради, — дейди А.Абдурахмонов. — 10 йилда унинг ҳар тулпидан ўртача 50 килограмми узум олинади. 25 килограмми узумдан эса 25 килограмми майиз чиқади.

Августнинг иккинчи ярмидан ноябргача ҳосилни йиғиб оламиз. Мезон кириши билан тохтоқ қилинади. Айтганча, тоқзорни чорва оралашидан сақлаш керак. Мол ёки қўй тиши теккан ток ривожланишдан тўхтайдми. Форишликлар узумни «кунки» ёки «сояки» усулда қуритишади. Биринчи усулда узум очик ҳавода, иккинчисидида эса хона ичида қуритилади. Бунинг учун узум бандидан осиб чиқилади. Шу тариқа 15-20 кун туради. Сўнг чўпларидан тазаланади. Сотиш учун мева ҳажми ва сифатига кўра учга ажратилади. Нархи ҳам шунга яраша бўлади. Бозорда «сояки» усулда қуритилган узумга талаб юқори.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, туманда 1 минг 437 гектар тоқзор мавжуд. Шундан 284 гектари 17 та фермер хўжалигига қарашлидир. Бу ерда етиштирилаётган узумнинг 80 фоизини қора кишимиш навлари ташкил қилади. — Сўнгги йилларда узумчиликка катта эътибор қаратилаётганлиги боис бог ва тоқзорлар ҳудуди изчил кенгайиб бормоқда, — дейди миришкор. — Жумладан, бу йил баҳорда 10 гектар маҳаллий бог, 2 гектар интенсив мевазор ҳамда 4 гектар тоқзор барпо этилди. Олинётган ҳосилни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Туманимизда 200 тонналик сизимга эга совутич ўрнатилди. Бу каби тадбирлар пировардида аҳоли даромадини ошириш, дастурхонлар тўқиллигини таъминлаш учун хизмат қилляпти.

Севара АЗИМОВА.

Машхурбекка гап йўқ!

Ҳар бир касбининг ўзига яраша масъулияти, сир-асрори бўлади. Унга риоя қилган одам сира кам бўлмайди. Эл эътиборига тушиб, барана топади. Ана шундай фазилатларга эга бўлган Марғилондаги 6-алоқа бўлими хабарчиси Машхурбек Усмоновни шаҳарда кўпчилик яхши танийди. Оёқ-қўли чаққон йигит бир неча йилдирки, ўзи масъул бўлган ҳудуд аҳолисига беминнат хизмат қилиб келяпти.

Айтикиса, Йўрмадўз, Косибчилик маҳаллаларида истиқомат қилувчи 643 нафар пенсионер сергайрат почта хабарчисидан жуда миннатдор. — Машхурбек жуда дилкаш йигит. Вақтида нафана пулини, обунга бўлган газетани келтириб беради, ширинсухан, муомаласига гап йўқ! — дейди меҳнат фахрийси Қодиржон ота Солиев. — Беминнат хизмати билан қариялар дуосини олганлар эса кам бўлмайди.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ.

«... Қоринни ҳам, кўнгилини ҳам тўқ қилади»

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи бугун дунё миқёсида долзарб аҳамиятга эга. Чунки инсониятнинг зарур эҳтиёжлари ва соғлом ҳаёт тарзи ушбу йўналиш билан бевосита боғлиқ.

Ўз мухбиримиз

Мамлакатимизда мазкур масала моҳиятан ҳар бир соҳада амалга оширилаётган изчил ишларнинг асосини ташкил этади. Жорий йил юртимизда 18 млн. тонна мева ва сабзавот етиштирилиши кутилмоқда. Ўзбекистон ҳар йили саксондан ортиқ давлатга 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавотларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилади. Мамлакатимиз 2001 йилдан буён БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти аъзоси.

Маълумотларга кўра, бугун республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 8424 та хўжалик субъекти фаолият кўрсатади. Шундан 223 таси мева-сабзавот, 776 таси сўт, 447 таси эса гўштин қайта ишлашга, қолганлари ёғ-мой, қандолатчилик, салқин ичимликлар ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослашган.

Ушбу фикрлар, маълумот ва

рақамлар Озиқ-овқат корхоналари уюшмаси томонидан ташкил этилган навбатдаги матбуот анжуманида келтириб ўтилди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда гўшт, сўт ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қопланмоқда. Тармоқнинг республика саноатидаги улуши ҳам ўсиб бораляпти. Бугунги кунда озиқ-овқат саноатида ихтисослашган корхоналар томонидан йилга 12 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан маҳаллий ва хорижий инвестиция ҳисобига янги ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш, мавжудларини модернизациялашга қаратилган қатор инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2008 йилда 30 млн. АҚШ доллари миқдоридида 150 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 1400 тадан ортиқни ташкил этаётир.

— Таҳлиллар ва кузатишлар

шунингдек, ҳозирги кунда республикамизнинг ҳар бир фуқароси бир ой давомида 40 турдан ортиқ маҳсулотни харид қилиш имкониятига эга, — дейди Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси бўлим бошлиғи Фахриддин Калонов. — Бунга ўртача ойлик маошининг 40 фоизини сарфламоқда.

Маҳсулот сифати ва таркиби озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий кўрсаткичлардан биридир. Чунки инсон овқат билан ўз организми мўътадиллиги учун керакли озукларни қабул қилиши, уларнинг саломатлигига путур етказмаслигига ишонч ҳосил қилиши даркор. Жорий йилда озиқ-овқат саноатида умумий қиймати 285 млн. АҚШ доллари миқдоридида 1045 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, йил якунига қадар йигирмата лойиҳа якунига етказилиши режалаштирилган. Озиқ-овқат мўллиги эса нафақат қоринни, балки кўнгилини ҳам тўқ қилади.

Истиқболли лойиҳага кредит ҳам тайёр

Жорий йилда қишлоқ мулкдорлига 2 триллион 400 миллиард сўм миқдоридида молиявий кўмак бериш режалаштирилган.

Фахриддин НУРАЛИЕВ, «XXI asr»

Миллий матбуот марказида Марказий банк ва «Агробанк» акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш мавзусида анжуман ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, агросаноат мажмуининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш, фермер хўжалиқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. Буни ҳар йили ушбу йўналишга ажратиладиган маблағлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, биргина жорий йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун салкам 2,4 триллион сўмлик банк сармоси йўналтирилди.

Мулк эгалари ва қайта ишлов-

чи корхоналар ўртасида полиз, мева-сабзавот маҳсулотлари, узум етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларга асосан олдидан 40 фоиз миқдоридида бўнак пули бериш механизми жорий этилган. Шу мақсадда жойларда 1,5 миңдан ортиқ мини-банк ва махсус кассалар хизмати йўлга қўйилди.

Мухтасар айтганда, банк кредитлари ва инвестициялари қишлоқ хўжалигининг барча тардаларида қўллаб-қувватлашга асосий аҳамиятга эриштирилди. Асосий аҳамиятга эриштирилди. Асосий аҳамиятга эриштирилди. Асосий аҳамиятга эриштирилди.

Ушбу жараёнда «Агробанк» ҳам фаол иштирок этмоқда. 2015 йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти-

ни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур молия муассасаси томонидан қарийб 2,5 триллион сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағнинг 31 миллиард сўми қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, 108 миллиард сўми эса озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилди.

— Маблағлар тақсимотида барча тармоқларни қамраб олишга эътибор қаратиляпти, — дейди «Агробанк»нинг қишлоқ хўжалигини кредитлаш бошқармаси бўлим бошлиғи Азимбек Аҳмадалиев. — Мисол учун, чорвачиликни ривожлантиришга 55, паррандачиликка 5,8, балиқчилик ва асаларичиликка 7,4, иссиқхона қурилиши ва уруғлик картошка етиштириш учун 13,4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Тиббиётда хусусий сектор улуши

Кексаларни эъзозлаш йилида навоийлик ишбилармонларнинг азму шижоати янада кенг қулоч ёйди. Икки тадбиркорнинг ҳамкорлиги натижасида Қизилтепа туманидаги Бўстон шаҳарчасида «Standart diagnostika servis» хусусий тиббий ташхис маркази иш бошлагани ҳам фикримиз далилидир.

Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Партия электорати вакилларидан бири Султон Бақоев раҳбарлигидаги «Хамидулло Камол нияти» МЧЖ маблағи ва банкдан олинган 350 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига икки қаватли бино барпо этилди. АҚШда олий маълумот олган, ўн йилдан ортиқ амалий тажрибага эга бўлган тадбиркор Икhtiёр Ҳамроев эса бу ерга Жанубий Корея, Германия ва Хитойдан энг замонавий жиҳозларни келтириб ўрнатди.

Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Эркин Уриновнинг таъкидлашича, бутун мамлакатимизда бўлган сингари Қизилтепада ҳам хусусий сектор вакилларининг фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Ҳудудда бешинчи бўлиб иш бошлаган хусусий тиббий марказ аҳоли учун янги қўлайлик яратди. Шу пайтгача ТОРЧ, УЗИ 3Д/4Д, ЭКГ, ЭЭГ, скрининг доплер, нейросанография сингари текширувлар учун беморлар маблағ



ҳамда вақт сарфлаб, Навоий, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида қатнашга мажбур бўлишарди. — Бу ердаги замонавий ускуналарни кўриб, ниҳоятда ҳурсанд бўлдим. Очиғи, улар ҳали Бухоро ва Навоий шаҳарларидаги айрим клиникаларда ҳам мавжуд эмас, — деди марказ очилишига бағишланган тантанали тадбирда сўзга чиққан Бухоро давлат тиббиёт институтининг неврология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Мусо Уринов. — Буни ин-

сон омилига бўлган эътибор, қолаверса, тадбиркорликни ривожлантиришга давлат даражасидаги ғамхўрлик натижаси, деб биламан.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда стоматолог, невропатолог, кардиолог, пульмонолог сингари малакали шифокорлар кўриги ҳамда фитобар, дорихона каби хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Марказнинг ишга туширилиши билан ўндан зиёд янги иш ўрни очилганлигини ҳам эътироф этиш жоиз.



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

»РЕКЛАМА ЎРНИДА

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетиде Президентимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобининг мазмун-моҳияти ва асосий ғоялари асосида «Йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиёт йўли — Ўзбекистоннинг ривожланиш йўли» мавзусида амалий ўқув-семинар ташкил этилди.

ФАОЛИЯТИМИЗ ДАСТУРИЛАМАЛИ

Унда партия мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, «Нуроний» жамғармаси, Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармалари, БПТ раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Хар биримизни бунёдкорлик ғоялари сари етакловчи ушбу асар мамлакатимизнинг барча худудларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси, партиянинг Жўрғи Кенгесдаги фракцияси раҳбари Сағиндиқ Турманов. — Айтиш жоизки, Президентимизнинг мазкур асарида дунёда юз бераётган

хавф-хатарларнинг олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати масалалари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан очиб берилган. Қолаверса, китобдан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнларидаги йигирмадан зиёд учрашув ва анжуманларда билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятта молик ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Бир сўз билан айтганда, бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айни вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топган. Амалий ўқув-семинар давомида университетнинг профессор-ўқитувчилари сўзга чиқиб, халқимизнинг тафаккур хазинасини бойитишга улкан ҳисса бўлиб

Кегайлидаги ташаббускор депутат

Маълумки, халқ вакили сифатида фаолият юритаётган депутат, аввало, ташаббускор бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан депутатлик сўровларини амалга ошириши, қонунлар ва қарорларнинг бажарилишини назорати тартибда ўрганиши ҳамда уларни партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда доимий комиссиялар муҳокамага киритиши лозим. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига О'zLiDePдан сайланган депутатлар ҳам бу борада фаоллик кўрсатишмоқдалар. Хусусан, халқ депутатлари Кегайли туман кенгаши депутати Зухра Жолдасова аҳоли муносабатларини эътибордан четда қолдирмасдан уларни ижобий ҳал этишда кўмаклашмоқда. Чунончи, меҳнат fronti фахрийларининг таклифи ҳам депутат ташаббуси билан амалий ечимини топди. Зухра Жолдасова мазкур масалани ҳар томонлама ўрганиб, туман ҳокимлигига депутатлик сўрови билан муносабат этиди. Натижада «Нурли иморат қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан янги мактаб қурилиб, унда бошлангич синф ўқувчилари таълим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Таъкидлаш жоизки, бундай эзгу ва хайрли ишлардан тумандаги кенса-ю ёш мамну.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

Ўзликни англамоқ — истиқбол маёғидир

Қарши тумани ҳокимлигида Президентимизнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, маҳалла фаоллари, зиёлилар, тадбиркор ва ишбилармонлар, ёшлар иштирок этган тадбирда О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Арзикул Шеров, Маънавият-тарғибот маркази бошлиғи Лола Соадатова, фалсафа фанлари номзоди, доцент Тоҳир Қурбонов, Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизова, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил ин-

ституту худудий бўлинмаси илмий ходими Элёр Ибрагимов мазкур асарни атрофлича ўрганиш, мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишнинг аҳамияти хусусида фикр-мулоҳаза билдирдилар. — Ўзликни англамоқ — истиқбол маёғидир, деган гап бор, — дейди Қарши туманидаги «Иллинойс» масъулияти чекланган жамияти раиси Искандар Ашуров. — Ҳар бир тарихий воқеага уларни четдан кузатиб турганлар эмас, балки ана шу ҳодисаларни қалби, юрагидан ўтказган одамгина ҳолис баҳра олади. Шундай экан, орадан йиллар ўтгач, мамлакатимиз босиб ўтган му-



раккаб йўли баҳолар эканмиз, Юртбошимиз зиммасига энг оғир пайтда давлатни бошқаришдек гоят масъулиятли вазифа тушганини ўқиб, тасаввуримиз янада бойийди. Анжуманда миллий тафаккуримиз хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган ушбу китоб биз учун нафақат янги ва яқин тарихимизнинг ҳали тўла англаб етилмаган қўллаб қирраларини кашф этишга асос бўлиши, балки мамлакатимиз равнақини белгилаб берадиган муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

»ҚУТЛОВ

Самарқанд шаҳар «СУВОҚОВА» давлат унитар корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 23 ЙИЛЛИК айёми билан самимий муборакбод этади. Мустақиллик шарофати билан гуллаб-яшнаётган она-Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган.

Тоҳир САЛОМОВ, «Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори

Бухоронинг сертола пахтаси, минг тусда товланадиган қоракўл Зухра Жолдасова аҳоли муносабатларини эътибордан четда қолдирмасдан уларни ижобий ҳал этишда кўмаклашмоқда. Чунончи, меҳнат fronti фахрийларининг таклифи ҳам депутат ташаббуси билан амалий ечимини топди. Зухра Жолдасова мазкур масалани ҳар томонлама ўрганиб, туман ҳокимлигига депутатлик сўрови билан муносабат этиди. Натижада «Нурли иморат қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан янги мактаб қурилиб, унда бошлангич синф ўқувчилари таълим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Таъкидлаш жоизки, бундай эзгу ва хайрли ишлардан тумандаги кенса-ю ёш мамну.

Дарҳақиқат, бугун маҳаллий кенгаш депутатларининг худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни ва роли тобора ортиб бораёттир. Улар сайловчилар манфаатларини дадил ҳимоя қилиш бораборида маҳаллий иқтисодиёт ҳокимияти фаолияти устидан самарали жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини ҳам ўрнатилган.

Маҳсулот сифати учун масъулмиз

Мамлакатимизнинг барча худудларида бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам кенг қўламли яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Буни ҳар бир шаҳар ва туман масолида яққол кўриш мумкин. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

хонаси ходимлари шуни ҳисобга олиб, сифатни бошқариш тизимини такомиллаштиришда вилоятда фаолият юритаётган корхоналарга кўмақдош бўлмоқда. Маҳсулотларнинг истеъмолга яроқлилигини аниқлаш учун аккредитланган 2 та синов лабораторияси фаолиятини йўлга қўйилган. Уларда асосан озиқ-овқат, енгил саноат, пойабзал, автомобиль ахтиёт қисмлари, ёнгил-мойлаш ва қурилиш материаллари, чинни ва шиша идишларнинг яроқлилиги даражаси аниқланади.

Лабораторияларимиз замонавий ўлчов ҳамда синов ускуналари билан жиҳозланган. Бу эса ишлаб чиқарилаётган ёки импорт қилинаётган турли маҳсулотлар сифатини аниқлаш, уларнинг инсон саломатлигига безарарлигини таъминлашда бош омил бўлиб хизмат қилаяпти. Чунончи, пахта, галла, гўшт, сут, полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказилмоқда. Бунинг учун энг чекка қишлоқларда ҳам қўлай дарт-шароит яратилган. Хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари томонидан жойларда ташкил этилаётган қайта ишлаш корхоналари аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, қишлоқ турмуш маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қувонарлиси, ушбу корхоналарда ўрнатилган мураккаб асбоб-ускуналарни касб-хунар коллежаларини тугатган маҳаллий ёшлар бошқаришмоқда.

Маълумки, маҳсулотларнинг юқори сифати ва харидорлиги бир қатор омилларга боғлиқ. Бу, энг аввало, «Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулот синов ва сертификатлаштириш марказлари мутахассисларидан катта масъулият талаб этади, албатта. Зеро, истеъмолга чиқариладиган ҳар қандай маҳсулот сифати қатъий назоратдан ўтказилиши лозим. «Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат кор-

хонаси ходимлари шуни ҳисобга олиб, сифатни бошқариш тизимини такомиллаштиришда вилоятда фаолият юритаётган корхоналарга кўмақдош бўлмоқда. Маҳсулотларнинг истеъмолга яроқлилигини аниқлаш учун аккредитланган 2 та синов лабораторияси фаолиятини йўлга қўйилган. Уларда асосан озиқ-овқат, енгил саноат, пойабзал, автомобиль ахтиёт қисмлари, ёнгил-мойлаш ва қурилиш материаллари, чинни ва шиша идишларнинг яроқлилиги даражаси аниқланади. Лабораторияларимиз замонавий ўлчов ҳамда синов ускуналари билан жиҳозланган. Бу эса ишлаб чиқарилаётган ёки импорт қилинаётган турли маҳсулотлар сифатини аниқлаш, уларнинг инсон саломатлигига безарарлигини таъминлашда бош омил бўлиб хизмат қилаяпти. Маънан эскирган, фойдалилик даражаси пасайган ускуналар «Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулот синов ва сертификатлаштириш маркази билан жиҳозлашда кўл келмаётганини мамнуният билан таъкидлайдилар. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Зотан, барча соҳада олиб борилаётган ишловлар замирида инсон, унинг манфаатлари мужассамдир. Давлатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш, экспортга йўналтирилган товарлар ҳажмини янада ошириш бораборида импорт саломини камайтиришга эришиш айни кундаги долзарб вазифалар сирасига кирди. Марказимиз ходимлари буни дилдан ҳис этиб, қўлланган эзгу мақсадлар ижобати йўлида ҳармай-толмай меҳнат қилавердилар.

Хизматлар лицензияланган.

»ҚУТЛОВ

Самарқанд вилоятидаги «САМАРҚАНД НУР» давлат унитар корхонаси жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини юксак инсонпарварлик тамойилларига асосланган Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан самимий табриқлайди. Ушбу байрам ҳаммамизга, барча хонадонлар ва оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Хизматлар лицензияланган.

СЎНГГИ САҲИФА

«ЭРТАНГИ КҮН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!»

«Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»га мувофиқ жорий йилнинг 16-22 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ана шундай шиор остида «Ёшлар ҳафталиги» бўлиб ўтди



Дилноза НОМОЗОВА,
«XXI asr»

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Бадий академия, «Ўзбекистон» миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жағмагаси томонидан ташкил этилган тадбирларда иқтидорли талабалар, давлат мукофоти ва номдор стипендиялари соҳиблари, ижтимоий фаол ёшлар, санъат, маданият, кино ва мода соҳаси вакиллари, таниқли илим-фан арбоблари, экспертлар иштирок этдилар.

Мода ва дизайн фестивали доирасида миллий либослар ва замонавий модельерлар дефилеси, «Мода: муаммо ва ечим» мавзuidaги илмий-амалий анжуман, ёш ҳунарманд ва рассомларнинг кўргазмалари ташкил этилди. Унда Тошкент тўқимачилик ва енгил сановат, архитектура-қурилиш, Қамолотдан Беҳзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институтлари талабалари, ушбу йўналишдаги коллежалар ўқувчиларининг коллекциялари намойиш этилди.

Ёшлар учун яратилган имкониятлар туфайли янгиликка интилувчан фарзандларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётти, — дейди Қамолотдан Беҳзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти А.Аллаберганова. — Бугунги фестивал ҳам қўрилиш, илмга қаноқат ёшларимизнинг янги қирраларини кашф этди.

Биринчи маротаба ташкил этилган «PROlogue» («Муқаддим») — ёш киноижодкорлар қисқа метражли фильмлари фестивали ҳафталигининг ёдда қола-

диган воқеаларидан бири бўлди. Унда 100 га яқин ҳаваскор ва профессионал киноижодкор қатнашиб, голянинг оригиналлиги ва долзарблиги, бадий савия, сюжет тилининг ўзига хослиги, новаторлик ва изланиш, режиссерлик ва операторлик, актёрлик маҳоратларини намойиш этишди. Улар «Энг яхши қисқа метражли бадий фильм» учун бош соврин, шунингдек, «Энг яхши сценарий», «Энг яхши режиссерлик иши», «Энг яхши операторлик иши» ҳамда «Болалар мавзuidaги энг яхши қисқа метражли бадий фильм» каби номинациялар бўйича голибликни қўлга киритдилар.

Кинофестиваль давомида махсус эффектлардан фойдаланиш ва 3D-технологияси асосида фильмлар суратга олиш бўйича хорижлик мутахассислар иштирокидаги маҳорат сабоқлари, ўзбек киносанъати музейида очик ўшиқлар кўни, замонавий киноиндустрия кўргазмаси ҳам ўтказилди.

Талабалар театр студиялари фестивали доирасида Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Қамолот» ЕИХ, «Ўзбектеатр» бирлашмаси томонидан кўллаб таълим даргоҳларидаги талабалар театрларида сара асарлар асосида сахналаштирилган спектакллар намойиш этилди. Қарши давлат университетининг «Зиё» студияси тандим этган «Зарба» спектакли «Глобал муаммонинг сахнавий талқини учун», Тошкент кимё-технология институти «Кимёгар» жамоасининг «Тортадурман жабрини» асари «Энг яхши ижро маҳорати учун» номинациялари бўйича голиб топилди. «Жаҳон мунотоз асарларининг ўзига хос талқини учун» номинациясида Жаҳон иқтисодиёти ва ди-


пломатия университетининг «Шекспир ихлосмандлари», «Маънавий-матринал мавзулар талқини учун» танловида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг «Педиатр» жамоаси, «Ёшлар ҳаётини акс эттирган долзарб мавзулар талқини учун» кўригида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Қамолот» театр студияси голиб бўлди. Фестивалда «Энг яхши спектакль» номинацияси бўйича биринчиликини қўлга киритган Қорақалпоқ давлат университети «Тебранмас юраклар» спектакли Ўзбек миллий академик драма театри сахнасида намойиш этилди.

Ушбу танловга «Ўзбекистонга хуш келибсиз» номли ижодий ишим билан иштирок этдим, — дейди «Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намойиш этган энг яхши видеоролик» йўналиши голиби Усмон Самуғжонов. — Унда ҳар жаҳдада ривожланиб бораётган юртининг гўзал манзаралари, қадимий обидалару замонавий бинолари акс эттиришга ҳаракат қилгандим. Ижодимга юқори баҳо қўйилганидан жуда мамнунман.

Ҳафталик доирасида олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари ўртасида «Тафаккур синовалари» танловининг якуний босқичи, «Ўуноқлар ва зуноқлари» кўрик-танлови, «XXI аср — интеллектун авлод асри» шиори остида ёш олимлар ва талабаларнинг илмий-амалий конференцияси ҳам ўтказилди.

Мухтасар айтганда, «Ёшлар ҳафталиги»да кўллаб ёш истеъдод эгалари иқтидори аниқланиб, муносиб тақдирланди. Улар муқтаил Ўзбекистон ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир қарра намойиш этдилар.

КУТЛОВ



«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси

*барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг 23 йиллиги
муносабати билан самимий қутлайди.
Ватанимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги,
юрт тинчлиги йўлидаги эзгу ва хайрли ишларингизда
муваффақият ҳамиша ёр бўлишига тилакдошимиз.
Рўзгорингиздан қут-барака,
оилаларингиздан тинчлик-хотиржамлик асло аримасин!*



Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

		ZAZ Forza Др: 109 л.с. Бензин / газ
		Нива Бизнес - пикап, 4Х4 Др: 80,92 л.с. - Бензин / газ

ТУЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, 250-23-93.
www.sardor-avto.uz

Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

0`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши партиянинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси биринчи ўринбосари Барно Мирзақобиловага турмуш ўртоғи **Одилбек МИРЗАҚОБИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

XXI ASR
ИЖТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШЛАШМОҚЛАР НАҲЛАТИ —
ЎЗБЕКISTON LIBERAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАЖАБОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI_AS@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 4493 Тираж: 8332

Баҳоси келишилган нархда.

Топшириқди — 20:00

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда нанба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят муқтад назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Марис Юсупов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-477X



7 7 2 1 8 1 4 7 0 0 9

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

Набатчилар:
Н.ТШЕВ, С.СОИРОВ.